



ARTICLE INFO

Received: 04th June 2024

Accepted: 10th June 2024

Online: 11th June 2024

KEYWORDS

Objects of treatment, culture of treatment, psychological communication, upbringing, behavior, oral speech, colloquial style, social relations, literary style, upbringing, psychological characteristics.

EMPLOYEES OF THE INTERNAL AFFAIRS BODIES TREATED PSYCHOLOGICAL SIGNIFICANCE OF ITS CULTURE

Zhurakulov Shukhrat Khayitmurotovich

Graduate Department of Management Sciences senior teacher,
Lieutenant Colonel.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11565569>

ABSTRACT

This article provides detailed information on the protection of human rights in the internal affairs bodies, the objects of future treatment with the population in the activities of employees of the internal affairs bodies, the culture of treatment, the establishment of psychological communication.

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ МУОМАЛА МАДАНИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Жўрақулов Шухрат Хайитмуротович

Магистратура бошқарув фанлари кафедраси
катта ўқитувчиси, подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11565569>

ARTICLE INFO

Received: 04th June 2024

Accepted: 10th June 2024

Online: 11th June 2024

KEYWORDS

Муомала объектлари, муомала маданияти, психологик алоқа, тарбия, ҳулқ-атвор, оғзаки нутқ, сўзлашув услуги, ижтимоий муносабатлар, адабий услуб, тарбия, психологик хусусиятлар.

ABSTRACT

Ички ишлар органларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятидаги аҳоли билан бўладиган муомала объектлари, муомала маданияти, психологик алоқа ўрнатилиш ҳақида атрофлича маълумот берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ички ишлар органлари ходимларининг касб байрами кундаги табрик нутқида “Янги Ўзбекистонда «Инсон қадри учун»



деган эзгу тамойил асосида олиб бораётган ислохотларимизни ҳаётга муваффақиятли жорий этишда ички ишлар тизими ходимлари давлатимиз ва жамиятимизнинг мустақкам таянчи бўлиб хизмат қилмоқда” деган эди. [1] Бу ўз навбатида ҳар бир ходимнинг фаолияти давомида ва аҳоли билан мулоқот қилиш жараёнида хушмуомалали бўлишга ундайди.

Ички ишлар органларининг ходимлари хизмат вазифаларини бажариш чоғида аҳолининг турли-туман қатламлари билан муомалада бўладилар. Маълумки, муомала ҳар қандай одам, жамият фаолиятининг зарурий ва умумий шарти, ҳар томонлама ривожланишининг муҳим омили, онгли одамни табиатдан ажратиб турувчи мезонлардан биридир. Шундай экан, Ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли билан бўладиган муомалалари ҳам ўз объекти ва предметиға эга.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятидаги аҳоли билан бўладиган муомала объектларини қуйидагилар ташкил этади:

фуқароларнинг эркинлигига, қадр-қимматиға, ҳаётиға ва мулкиға, шунингдек, давлат ва жамоат мулкларига тажовуз қилган ҳуқуқбузарлар;

ташкilotлар, корхоналар, муассасаларнинг меҳнат ва молия интизомини бузган бошлиқлари ва мансабдор шахслари;

қонун ва ҳуқуқ-тартиботни бузишға мойил бўлган ва қаровсиз қолган оилалар;

жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар;

тартиб-интизом ўрнатишға жиноятчиликнинг олдини олиш ва очишға сидқидилдан ёрдам берувчилар;

қонунбузарлик билан алоқаси бўлмаган, аммо ўзларининг шахсий юмушлари билан, яъни паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки чет элга чиқиш учун рухсатнома олиш юзасидан мурожаат қилганлар;

ҳар хил масалалар бўйича мурожаат қилган чет эл фуқаролари.

Ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли билан бўладиган муомала маданияти деб уларнинг шахслар, оилалар, меҳнат жамоалари, ижтимоий гуруҳлар, ҳар хил жамоат ва давлат ташкilotлари, муассасалари, хорижий давлат фуқаролари билан бўладиган ҳамда қонун, фармон, низом ва буйруқлардаги ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар, принциплар билан тартибға солинган ахлоқий-эстетик, ҳуқуқий муносабатлар тизимиға айтилади. [2]

Ички ишлар органлари ходимларининг мулоқоти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 1) бевосита касбий вазифани бажаришға йўналтирилганлиги;
- 2) ҳуқуқий жиҳатдан тартибға солинганлиги;
- 3) махсус объектнинг мавжудлиги;
- 4) психологик тўсиқларнинг мавжудлиги;
- 5) жиноятчиларнинг махсус тили ҳисобланмиш татуировкалар ва жаргонларни билиш ва ҳоказо.

Ҳар қандай мулоқот доимо объект билан субъектнинг бир-бириға мослашиш жараёнини қамраб олади.

Оғзаки нутқ - сўзлашув ва адабий услубларда ифодаланади.

Сўзлашув услуби деб, кишиларнинг кундалик ҳаётда шева ва лаҳжаларда мулоқот қилиш усулиға айтилади. Сўзлашув услубида нутқ маданиятининг қоида ва нормалари



қатъий қўлланилмайди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолиси Тошкент, Фарғона, Наманган, Андижон, Қарши, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд шеvasи каби кўплаб шеваларда сўзлашадилар.

Адабий услуб деб, адабий тил нормаларига қатъий амал қилишга асосланган услубга айтилади. Адабий услубда сўзлашилганда, маъруза ўқилганда, расмий учрашувлар ўтказилганда тил қоидаларига тўла риоя этилади.

Оғзаки нутқ, ёзма нутққа қараганда кенг қамровли бўлиб, қуйидаги хусусиятларга эга:

- 1) оғзаки нутқда шевачиликнинг таъсири кучли бўлади;
- 2) оғзаки нутқда ёзма нутқдаги каби ўйлаб иш тутиш имкони кам бўлади;
- 3) оғзаки нутқнинг ўзига хос грамматик тузилиши, қурилиш тартиби мавжуд;
- 4) оғзаки нутқда талаффуз, оҳанг, имо-ишора воситалари муҳим рол ўйнайди;
- 5) оғзаки нутқнинг юзага чиқиши сўзловчининг кайфиятига, нутқ сўзланаётган вазиятга, сўзловчи нутқий аъзоларининг нормал ва соғломлигига боғлиқ;
- 6) оғзаки нутқ нормаларининг барча хусусиятларини пайқаш, ёзиб олиш, ўргатиш ва ўрганиш анча қийинчилик билан кечади;
- 7) оғзаки нутқ бир бутун ҳодиса (матн) сифатида чексиз ва сон-саноксиз шахсий (индивидуал) фаолият бўлиб, унинг кўпгина қирралари турли шароитларда ўзича кечади ва пайқаманган ҳолда беиз йўқолиб кетади;
- 8) киши сўзлаганда, ўз нутқига ёзгандаги каби етарли эътибор беравермайди.

Нутқ ва тафаккур ўзаро чамбарчас боғлиқ жараёнлардир, чунки бошқаларнинг гап-сўзларини эшитгач, уларнинг маъносига қараб фикрлаш зарурати юзага келади, фикримиэни эса нутқ орқали баён этамиз. [3]

Оғзаки нутқ орқали ҳиссиётларимиз (ҳиссий кечинмаларимиз) сўзлар билан баён қилинган тасвирларда, оҳангда, қофияда, саволларда, сўзлар орасидаги сукутда, айниқса интонацияда яққол намоён бўлади.

Масалан, бирон кишининг исми тилга олинганда шу кишига нисбатан турли ҳиссиётлар, муносабатлар кўзғалади: шахс ўзидаги меҳр-муҳаббат, ғазаб, қўрқув, нафрат, кибр каби психик ҳолатларни юзидаги мимикаларида атайин (психик жараён, темперамент турига қараб) ёки беихтиёр ифодалайди.

Инсоннинг қиёфасидаги физиологик ўзгаришларга қараб унда устунлик қилаётган фикр, ҳис-туйғулар, муносабатлар ҳақида, аёлларда эса косметика, кийим-кечак, пойафзалга қараб, шахс тўғрисида маълум бир фикрга келиш мумкин. [4]

Маълумки, шахсни профилактик ҳисобга олиш учун муайян асослар бўлиши лозим ва ушбу асослар бўлган тақдирда, профилактика инспектори ўн кун (жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларга нисбатан улар яшаш жойига етиб келган кундан эътиборан уч кун) ичида шахсни профилактик ҳисобга қўйиш тўғрисидаги қарор чиқаради ва ушбу қарорни туман, шаҳар ички ишлар бўлимининг, бошқармасининг бошлиғи томонидан тасдиқлатади. Тасдиқланган қарорни профилактик ҳисобга олинган шахсга уч кун (у яшаш жойида бўлмаган ҳолларда эса, унинг турган жойи аниқланган пайтдан эътиборан уч кун) ичида эълон қилиб, ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириб имзо қўйдиради ва шу кундан бошлаб шахс профилактик ҳисобга олинган деб ҳисобланиб, бир йил давомида профилактик



ҳисобда туради. Табиийки, профилактика инспектори анашу давр мобайнида профилактик ҳисобга олинган шахслар билан тарбиявий тадбирларни амалга ошириши лозим бўлади ва психологик алоқа ўрнатиш мақсадида мулоқотга киришиш жараёнларида турли тўсиқларга дуч келади.

Ички ишлар органлари ходимлари тарбиявий жараёнлардаги тўсиқларга тарбияси қийин ўсмирлар, носоғлом оилалар ва илгари судланган шахслар билан профилактик чора-тадбирлар олиб бораётган вақтда учрайди. [5]

Психологик алоқа ўрнатиш мулоқотнинг керакли йўналишда ривожланиши ва белгиланган мақсадга эришишни таъминловчи шароитларни яратишга қаратилган, мақсадга йўналтирилган, режалаштирилган фаолиятдир.

Ички ишлар ходимлари ўз вазифаларини бажариш давомида фуқаролар билан ўрнатадиган руҳий алоқаси фаолиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб, кишиларнинг кундалик ҳаётида ўрнатадиган руҳий алоқаларидан катта фарқ қилади. Психологик алоқанинг профилактика инспекторлари хизмат фаолиятини тартибга солувчи бир қатор норматив ҳужжатларда белгиланган кўрсатмалардан асосий фарқи шундаки, ходимларнинг руҳий алоқага муваффақиятли киришиши пировардида муҳим ахборот олиш ва фуқароларнинг қаршилиқ кўрсатиш хатти-ҳаракатларини – ёрдам беришга, бепарқликдан – ҳамкорликка ўзгартириш билан чамбарчас боғлиқ.

Бугунги кунда ички ишлар органлари томонидан профилактик ҳисобга олишдан кўзланган асосий мақсад айнан амалдаги қонунлар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг яқка тартибдаги, яъни индивидуал тарзда амалга ошириш орқали ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларда ижтимоий ижобий хулқ-атворни шакллантириш, уларни индивидуал хусусиятлари (билими, қобилияти, қизиқишлари, эҳтиёжлари)дан келиб чиққан ҳолда тўғри йўналиш бериш, касб эгаллашларига ёрдам бериш, фойдали меҳнатга, спорт билан шуғулланишга қизиқтириш сингари ижобий йўлга бошқаришдан иборатдир. Шу сабабли ҳар бир профилактика инспектори ушбу тоифадаги шахслар билан психологик алоқа ўрнатиб мулоқот олиб борганда етарли психологик билимларга эга бўлиши лозим.

Профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган қуйидаги шахсларга нисбатан профилактик ҳисоб юритилади ва улар билан бўладиган мулоқотда психологик омиллар ҳисобга олинади: [6]

Конституциявий тузумга қарши ҳамда бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар.

Бунда ҳуқуқбузарлик содир этган, яъни чет эл давлати ёки чет эл ташкилотига, уларнинг вакилларига давлат сирларини етказган ёхуд бошқача ёрдам кўрсатиш йўли билан Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда айбланган, давлатга хоинлик қилган, яъни Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти, иқтисодиётига зарар етказган, ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашган, нолегал диний фаолият билан шуғулланган ҳамда болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишларини ўтказишга тайёргарлик кўриш жинояти ва ҳуқуқбузарлигини содир этган шахс тушунилади.



Муомала жуда мураккаб жараён бўлиб, у одамларнинг ўзаро иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маънавий муносабатлари, алоқаларининг йиғиндисидан ташкил топади. Муомалада барча маданият турларининг ботиний ва зоҳирий хусусиятлари мужассамлашган бўлади. Шу сабабли уни тарихий ворисийлик ва талаблари даражасида шакллантириш идоралари ходимларининг ички ва ташқи маданиятининг уйғунлигини, муштараклигини таъминлайди. [7]

Ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли билан бўладиган муомала маданиятининг шакллари жуда кўп, уларнинг ичида учтаси алоҳида кўзга ташланиб туради:

- 1) хулқ-атвор маданияти;
- 2) ташқи кўриниш маданияти;
- 3) нутқ маданияти.

Муомала маданияти ушбу шаклларининг барчаси бир вақтнинг ўзида ҳар бир одамда ички мазмун ва моҳият, ташқи ифода ҳамда уларнинг муштараклиги ёки муштарак эмаслиги тарзида сезилиб туради. Бинобарин, муомала маданияти уч таркибий қисмдан иборат:

- 1) феъл-атворнинг ички мазмуни ва моҳияти;
- 2) юриш-туришнинг ташқи ифодаси;
- 3) улар ўртасидаги уйғунлик ва мутаносиблик даражалари.

Хулқ-атворнинг ички мазмуни ва моҳиятини шахс ахлоқий-ҳуқуқий ва эстетик онгининг ривожланиш даражаси ташкил этса, ташқи кўринишини уларнинг синтези бўлган эстетик дид, фаҳм-фаросат белгилайди. Ҳар иккаласининг уйғунлиги ва муштараклиги эса Ички ишлар органлари ходимларининг юксак маданият соҳиби эканлигидан дарак беради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ички ишлар органлари ходими юксак маданият соҳиби бўлиши, унинг юқори даражада тарбияланганлиги-айтган сўзининг устидан чиқиши, фидойилиги, қўл урган ишини ўз вақтида, пухта ва тезкорлик билан бажариш қобилиятларига, содир этилган воқеани аниқ таҳлил этиш ва тўғри қарор қабул қилиш, вазминлик, мардонаворлик, турли хавф-хатарлардан, ҳақоратлардан эсанкираб қўймаслик сифатларига, шахсий хулқ-одоби, обрў-эътибори билан қариндош-уруғлари, фарзандлари ҳамда маҳалладошларига ўрнак бўлишга интилиш каби фазилатларга эга эканлиги билан белгиланади.

Юқорида қайд этиб ўтилган талабларга риоя қилиш, биринчидан, ҳар қандай мураккаб масаланинг ечимини осонлаштиради ва иккинчидан, атрофдагиларга ижобий таъсир этади. [8]

Улуғ аждодларимиз ўзларининг ҳаёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда муомала одоб-маданиятининг умумий қоидаларини ишлаб чиққанлар. Бу қоидалар Ички ишлар органлари ҳар бир ходимининг аҳоли билан қиладиган муомаласининг ажралмас қисми бўлиши табиийдир.

Муомала маданиятининг умумий қоидалари. Муомала маданиятининг умумий қоидалари қуйидагилардан иборат:

1. Одоб ва эҳтиёт билан муомала қилишдан ҳамма мақсадлар рўёбга чиқади, ёпиқ эшиклар очилади. Мулойимлик билан айтилган сўзлар кўнгилга роҳат бахш этади.



Очиқ юз ва ширин сўзлик дўстлик ва муҳаббатга далил бўлади. Шунинг учун ҳамма билан одобга риоя этиб муомала қилинг, очиқ юзли, ширин сўзли бўлинг.

2. Бир нарсдан хафаланиб, аччиғингиз келиб турган вақтда ҳеч ким билан сўзлашманг, ғазабингиз босилгунча сабр қилиб турунг. Одамларнинг камчиликларини кечиринг, ҳар ишда фикр қилиш ва эътибор беришни унутманг.

3. Одамларга аралашмай бир четда турманг. Ким учраса, текширмай-нетмай дарҳол оғиз-бурун ўпишиб дўст бўлиб кетманг, ҳар ишда ҳур фикрли, тўғри сўзли бўлинг, тилингиз ва дилингиз бирдек бўлсин.

4. Қўпол муомалали кишиларнинг муомалаларига яхши муомала билан жавоб қайтаринг. Кишиларга қилган муомилангиз улардан кутган муомаладан ҳар ҳолда юқори даражада бўлишига ҳаракат қилинг.

5. Ўзингиздан кичикларни хўрланманг, ақлингиз ва мартабангиз билан мақтанманг, балки ўз мартабангиз ва бошқаларнинг мартабаларини яхши тушуниб, ҳар кимнинг ўзига муносиб муомала қилинг.

6. Ҳамсуҳбатингиз гўзал муомала қилишини истасангиз, аввал ўзингиз унга гўзал муомала қилинг: “Одамлар мени ёқтирмасалар, ёқтирмай қўя қолсинлар, нима ишим бор”, демасдан, балки улар билан дўст бўлиш йўлларини изланг, кишиларга муҳаббатли бўлишингиз сабабли камолотингиз ҳеч бир зое кетмайди.

7. Халққа яхши ишларни сўзланг, ёмон ишларни яширинг. Одамлар билан муомалангиз шундай бўлсинки, ҳаётингизда сизни севсинлар, вафот этганингиздан кейин сизни эслаб, қайғурсинлар.

8. Жуда зарур бўлиб қолган вақтдагина халқдан ёрдам сўраш мумкин, бошқа вақтда халқнинг устига юк бўлиб туриш тўғри эмас. Шунинг учун халқда ўз оғирлигингизни солманг, уларнинг молларига таъма қилманг, ўзингиз ишланг, меҳнат қилинг, ризқ-рўзингизни ўз меҳнатингиз билан яратинг.

9. Бир ишни бажаришга аҳд қилдингизми, сўзингизнинг устидан чиқинг, ваъдангизга вафо қилинг. Ким билан дўст бўлсангиз, дўстликка содиқ бўлинг. Одамларнинг шодликларига шодланинг, қайғуларига қайғуринг. Ўзингиз севмаган нарсани бошқаларга раво кўрманг. [9]

Юқоридагиларга хулоса қиладиган бўлсак, ушбу шарафли касбимизда энг асосий ўринда ўзимизни тутишимиз ва бошқалар олдида намоён қилишимизда асосий восита бўлиб бизнинг муомала маданиятимиз, фуқароларга қилаётган муносабатимиз турар экан, ушбу жараёнда хушмуомалалик ва психологик жиҳатдан сўзларни иложи борича тўғри танлаб уларни кўнглига йўл топишимиз ва қонуний чора кўришда барча ҳаракатлар мазмун-моҳиятини аниқ етказиб беришимиз лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларга зийраклик, яъни сезгирлик билан яхши муомала қилиш, уларнинг дардига қулоқ солиш, саволларига ширинсуханлик билан жавоб қайтариш, уларга ёрдам қўлини чўзиш, умуман, яхши муносабатда бўлиш охир-оқибатда барча мушкул муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли ўртасидаги обрўйини янада оширади ва халқнинг ишончли таянчига айланиб боради.



References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 25 октябрдаги Ички ишлар органлари ва фахрийларига байрам табриги. <https://president.uz/uz/lists/view/5641>.
2. Исмаилов И., Эгамбердиев Б.И., Комилов М.Б. Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлашни ташкил этиш. Дарслик. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 230 б.
3. Душанов Р.Х., Фарфиев Ё.А. Касбий психология. Маърузалар матни. – Т., 2010. 46 б.
4. Душанов Р.Х. Дастлабки тергов фаолияти психологияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2013. 72 б.
5. Сирлиев Б.Н., Исмоилова Н., Хакимова И.М. Стресс ва агрессия. Ўқув-услубий қўлланма. – Т., 2014. 26 б.
6. Фарфиев Ё.А., Зиёдуллаев М.З., Мухторов Ж.С. ва бошқ. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти психологияси. Дарслик. – 2015. – 394 б.
7. Сирлиев Б.Н., Соттиев И.А. ва бошқалар Дастлабки тергов фаолияти психологияси. Дарслик. – Т., 2015. 91 б.
8. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 21 октябрдаги 400-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишлар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низом”.
9. Ғозиев Э.Ғ. Социал психология. Ўқув қўлланма, “Ношир” – Т., 2012. 316 б.